

Сийрат дарслари (115-дарс). Рўзадорнинг даражаси



13:00 / 18.12.2020 4589

449. Абу Қатода Ансорий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Аллоҳдан умид қиламанки, Арафа кунининг рўзаси ундан олдинги йилнинг ва ундан кейинги йилнинг каффороти бўлади. Аллоҳдан умид қиламанки, Ашуро кунининг рўзаси ўзидан олдинги йил (гуноҳлари)нинг каффороти бўлади»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

450. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар келаси йили тирик бўлсам, албатта, тўққизинчини ҳам тутаман», дедилар». Яъни, Ашуро куни рўзасига (қўшимча).

Муслим ривоят қилган.

Бошқа ривоятда шундай келган: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ашуро куни рўзасини тутдилар ва у куннинг рўзасини тутишга амр қилдилар. Одамлар: «Эй Аллоҳнинг Расули, бу кунни яҳудий ва насоролар улуғлашади», дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Келаси йил келса, иншаАллоҳ, тўққизинчи куннинг ҳам рўзасини тутамиз»**, дедилар. Келаси йил бўлмай туриб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этдилар».

Муслим ривоят қилган.

451. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким доимий рўза тутса, рўза ҳам тутмади, оғзи очиқ ҳам юрмади»**, дедилар».

Насоий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан